

Шарқ филологияси факультети
5A120101- Адабиётшунослик
(шарқ тиллари ва тадқиқот йўналишлари бўйича)
Мутахассислиги 2 курс магистранти
Шоикромов Шоюсуф Шоолим ўғли
Илмий раҳбар: ф.ф.н. доц. Муҳибова У.У.

Япон адабиётида ёлғизлик тушунчасининг талқини

“Нима учун барча ёлғиз бўлмоғи керак? Нима учун ёлғиз бўлмоқ шунчалик зарурдир? Бу дунёда шунча одам яшаб, бошқа инсонда бирон нима ахтараса ҳам, бир - биримиздан қанчалик узоқмиз. Нега шундай бўлиши керак? Нима учун? Гўёки, сайёрамиз инсоний ёлғизликдан озикланиб айланмоқда.”¹

Ёлғизлик инсон табиатига хос хислатлардан бири ҳисобланади. Турли файласуфлар, мутаффакир ва шоирлар бу ҳодисани турли нуқтаи назарлардан талқин этишга ҳаракат қилмоқдалар. Баъзилар фикрича ёлғизлик – инсон охирагининг туб нуқтасидир, баъзилар эса аксинча, айнан ёлғизлик натижасида инсонда буюк ғоялар туғилади. Бундан хулоса қилсак бўладики, ёлғизлик бу дунёдаги бошқа ҳодисалар ила нисбий тушунчалар сирасига киради.

Табиийки, бундай нисбий тушунча адабиётда ҳам ўз ўрнини топади. Япон адабиёти ҳам бундан мустасно бўламди. Бироқ бу юрт адабиётидаги ушбу омил ҳақида сўз юритишдан аввал уни ўтмишига назар солиш мақсадга мувофиқ саналади. Узоқ шарқда эса, аксарият ҳодиса ва тушунчаларнинг келиб чиқиши буддавийлик дини ва шарқ билан чамбарчас боғлиқдир.

¹ 村上春樹「羊をめぐる冒険」講談社 1982

Маълумки, буддавийлик динининг асосий ғояси - “озод бўлиш” бўлиб, бу ғоя Будда томонидан тўрт эзгу ҳақиқат ҳақидаги хутбасида баён этилган. Биринчи ҳақиқат шуки, ҳаёт - бу азоб-уқубатдир. Бу дунёга келиш, касаллик, кексалик, ўлим, ёвузликка дуч келиш, армон - буларнинг барчаси азоб - уқубатга олиб келади. Иккинчи ҳақиқат шундан далолат берадики, азоб - уқубат сабабга эгадир. Учинчи ҳақиқатга кўра, ул сабаб - қайта дунёга келишга олиб келувчи ҳаётга интилишдир. Тўртинчи ҳақиқат шундайки, азоб - уқубатдан холис бўлиш йўли - эзгу фикр, эзгу хулоса, эзгу нутқ, эзгу ҳаёт, эзгу интилиш, эзгу эътибор ва эзгу диққатдан иборат “эзгу саккиз йўлдир”. Албатта, буддавийлик динида асосий мақсад - нирванага эришишдир.

Буддавийлик таълимотига кўра, оилавий, мулкӣ, дунёвий алоқаларни узиб, тарки дунё, руҳоний ҳаётини кечиргангина нирванага эриша олади. Олим А.Н Кочетов айтганидек, - “Ҳақат таркидунё ҳаёт тарзи ва садақа эвазига яшаш, руҳоний учун ҳаётӣ манфаатлар, ҳис - туйғу ва истаклардан воз кечиш, азоб - уқубат дунёсидаги чексиз қайта яралиш қонуниятини енга олган олий мавжудот – архат даражасига юксалишга замин яратувчи юксак ахлоқӣ фазилатларга эга чиқади.”²

Дарҳақиқат, айнан ёлғизлик буддавийлик динидаги асосий нуқта, азоб - уқубатларга барҳам бериш ва онг равшанлашишининг энг юқори нуқтасига етишнинг негизи бўлиб хизмат қилди.

Бевосита адабиётга назар солсак, ёлғизлик мавзусига доир ижод “Буюк ўттиз олти шоиралар” сирасига киритилган бўлсада, ҳаёти деярли номаълум Идзуми Сикибу қаламига мансубдир. Ўз шеърларида айрилик, севги - муҳаббат, ёлғизлик каби мавзуларини ёритишга интилган шоира, бу йўлда метафоралардан кенг фойдалангандир. Шундай метафоралардан бири - аксарият шарқшунос олимлар томонидан қайд этиладиган “ип”

² Кочетов А.Н. «Буддизм». — Москва.: Политиздат, 1968. — С. 50

тушунчасидир.³ Узилган ип эса ўз навбатида севишганлар ўртасидаги муносабатлар тугаганлиги, айрилиқ ва ёлғизлик тимсоли сифатида япон шеъриятида ўз ўрнини топган. Айнан, ёлғизлик ўз хис – туйғуларини акс этиш учун асос ҳисобланади.⁴ Шунингдек, метафоралар қўлланилиши мисраларга янада бадиийлик баҳсида этади. Умуман олганда, япон шеърий анъанасида ёлғизлик мавзусининг талқини хитой фалсафасий шеъриятининг қарашлари билан ўхшашликлар талайдир.

Ўтмиш даврдаги шарқ адабиёти, хусусан япон адабиёти, ўз қахрамонларини ҳаёт ва мавжудиятни қайта ўйлаб, қалб, онг, фикр хотиржамлиги, яъни асл бахтга эришиш мумкин эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилар эди. Шоирлар ўз ижоди, ҳаёт ва мухаббат мазмун – моҳияти ва инсонлараро муносабатлар табиати ҳақида фикр юритиб, ёлғизлик қонуниятларини акс этган ҳолда, уни ўз ижодий тажрибалари билан бойитиб келдилар.

XX аср биринчи ярмида япон адабиётида ғарбий оқимларнинг таъсири ошиши натижасида, асарларнинг марказий объектларидан бири сифатида инсон ва унинг рухий ҳолати танланди. Табиийки, ёлғизлик бу ҳолда долзарб масалалардан бирига айланади. Акутагава Рюноскэ, Абэ Кобо каби адиблар турли бўёқлар ва турли нуқтаи назарлар орқали ишбу омилни ёритиб беришда улкан муваффақиятга эришганлар. Акутагава Рюноскэнинг “Ёлғизлик дўзахи” асарида инсон руҳияти чуқур ўрганилган тарзда, инсон учун барча нарса ўз бўёқлари, инсоннинг ҳаётга бўлган қизиқиши йўқолганда, у учун айнан мавзудаги “ёлғизлик дўзахи” бошланиши таъкидланади. Адиб кейинчалик ўзи ҳам “ёлғизлик дўзахи”га тушганини тан олади. Рухий касалликка чалинган Рюноскэ охир – оқибат ўз ёнига суюқасд қилади.

³ Глускина А.Е. «Заметки о японской литературе и театре» Москва 1979.

⁴ Именохоева И.Н. «Мифологема одиночества в восточной литературе» Улан-Уде. 2012

Абэ Кобо эса унга нисбатан узоқ хаёт кечиришга муваффақ бўлган. Бироқ бу икки ёзувчининг япон адабиёти ривожланишига қўшган хиссаси бирдек беқиёсдир. Авангардизм йўналишининг ёрқин намоёндаси хисобланган Абэ ижодиётининг энг кўзга ташланган унсури – бу замонавий ва анъанавий оқимларнинг бирлашмасидир. Абэнинг тасвирида инсон – ижтимоий тузилиш қурбонидир. Улкан Токиода истиқомат қилишига қарамай, унинг қахрамонлари ўта ёлғиз. Бу ёлғизлик мегаполисдек ҳеч кимдан беркина олмайдиган маконда содир бўлаётганини ҳисобга олсак, уни нақадар дахшатли эканлиги англаб етса бўлади. Аксарият экзистенциализм йўналишида ижод қилган ёзувчиларда ёлғизликка дуч келган қахрамонлар бу йўлга ихтиёрий тарзда кирган бўлсалар, Абэ қахрамонлари жамият томонидан рад этилган шахслардир. Адиб ўз асарларида экзистенциализм ғоялари фаол тарзда қўллаган бўлсада, унинг айрим омиллари билан норозидир. Ғарб насрининг одатий қахрамонига “онтологик” ёлғизлик, яъни, бу дунёда фақат “мен” мавжуд бўлиб, атроф муҳит “бегона”дир. Абэ қахрамонлари ҳам ўта ёлғиз инсонлар. Аммо бунга сабаб инсон мавжудиятининг бемаънилиги эмас, балки аниқ ва аксарият ҳолларда ижтимоий тусга эга ходисалардир.⁵

Бугунги кунда япон насрининг энг ёрқин намоёндаси дея эътироф этиладиган Харуки Мураками ҳам ўз ижодиётида ёлғизлик масаласига кўп мартаба тўхталиб ўтади. Кўп олимлар ва китобхонлар томонидан қайд этилган “Норвег ўрмони” романи бунга ёрқин мисол бўла олади. Асардаги қахрамонларнинг рухий ҳолати шундай моҳир тарзда китобга кўчирилганки, китобхон қахрамонларнинг ҳис - туйғуларини ўзиникидек ҳис этади. Шунингдек, Мураками асарлари маълум даврдаги жамият аъзоларига ҳос хусусиятларни ёритади. Япония XX аср иккинчи ярмида

⁵ Злобин Г. Дорога к другим – дорога к себе // Абэ Кобо. Женщина в песках. Чужое лицо. - М.: Художественная литература, 1988. – С. 5-18.

турли воқеаларни бошдан кечирган ва шунга мос тарзда инсонлар хатти - ҳаракати ва ўй - фикри шаклландир.

Ўлғизлик ҳақида сўз юритар эканмиз, Япониядек ўзига хос хусусиятларга эга жамиятга эга мамлакатда адабиёт ва жамият аллақачон чамбарчас боғлиқ ҳодисага айланган. Қоғозда акс эттирилган мисралани реал ҳаётда учратиш эҳтимоли юқоридир. Дарҳақиқат, Японияда ҳозирда ўлғизликка берилганлар сони тобора ошиб бормоқда. Япония ҳукуматининг далолатномасига биноан 2014 йилда ўлғиз ва ишсиз фуқароларнинг сони 1760000 га яқин эди.⁶ Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Жамиятшунос олимлар фикрича, бундай воқеалар ривожда, яқин 30 йил ичида Япония аҳолиси 1/3 қисмга камаяди. Бундан ташқари Япония ёшларининг 40 фоизи ҳозирда оилада қуришдан бутунлайин бош тортмоқда. Табиийки, бундай омилларнинг оқибати ҳар томонлама ривожланиб, дунё бўйлаб сифат, анъаналарга содиқлик ва мардлиги билан танилган Япониядек давлат учун фалокатли бўлиши ҳеч гап эмас. Техника юксак чўққиларни забт этган мамлакат ўз фуқароларининг рухий ҳолатидан азият чекапти десак сира муболаға бўлмайди. Илмий - фантастика ва кибер панк жанрлари учун мос ғоя эмасми. Айнан шундай ачинарли ҳолатларнинг гувоҳи бўлаётган адиблар муаммонинг психологик аспектини ёритиб беришга интиладилар. Албатта бу муаммони енгил йўли эмас, балки инсонларни ўйланиш, ўз хатти - ҳаракатлари, қавм - қариндошлари ва биродарлари билан муносабатлари ва ният келажакда оилалик бўлиш каби ҳаётий омилларни долзарблигини англаб етиш воситасидир. Англаб етиш эса инсон ихтиёрига ҳавола. Адабиёт ҳеч қачон мажбурловчи қуч бўлмаган ва бўлмайди.

⁶ <http://www.nippon.com/ru/currents/d00109/>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 村上春樹「羊をめぐる冒険」講談社 1982
2. Кочетов А.Н. «Буддизм». - Москва.: Политиздат, 1968 - С. 50
3. Глускина А.Е. «Заметки о японской литературе и театре»
Москва 1979.
4. Именохоева И.Н. «Мифологема одиночества в восточной
литературе» Улан-Уде. 2012.